



РУҲИЙ ЗЎРЛИК БИЛАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ИЛҒОР ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Примов Гамид Абдиманонович

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Ахборот хизмати катта мутахассиси*

Аннотация: Ушбу мақола орқали сиз, руҳий зўрлик билан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, унинг асосий хусусиятлари, мазкур фаолиятни тартибга солувчи ижтимоий-ҳуқуқий нормалар ва уларни қўллаш амалиёти таҳлил қилиниб, такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар берилиб, ушбу фаолиятда келиб чиқиши мумкин бўлган муаммо ва камчиликлар кўриб чиқилган ҳамда бартараф этиш бўйича бир қатор таклифлар берилган ва хориж тажрибалари ўрганиб чиқилиб уларни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида таҳлили юзасидан мулоҳазалар юритилиб, тавсиялар бериб ўтилган. Юқорида келтириб ўтилган жихатлардан фойдаланган ҳолда ушбу фаолиятни такомиллаштириш йўналишлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: руҳий зўрлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, илғор хориж тажрибаларини ўрганиш.

КИРИШ

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси муносабатларини замон талаблари асосида ривожлантириш, уни тартибга солувчи норматив базани модернизация қилиш ҳамда бу борадаги амалий фаолиятни такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири – ушбу соҳадаги илғор хориж тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва миллий тизимга татбиқ этиш ҳисобланади. Ҳуқуқшунос Ю.А.Ворониннинг фикрига кўра, ижобий хориж тажрибаларини ўрганиш полиция фаолиятида кузатилаётган муаммо ва камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш имконини беради¹⁰¹.

Руҳий зўрлик билан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш борасидаги хорижий давлатлар тўплаган тажрибани ўрганиш асосида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишнинг таъсирчан тизимини яратиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ҳуқуқбузарликдан жабр кўрган шахслар билан олиб бориладиган профилактик ишларни мувофиқлаштириш, уларни олдини олишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш муаммоларининг илмий ечимларини топиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи-назардан ривожланган давлатлар амалиётини ўрганиш ҳамда унинг натижаларини

¹⁰¹ Воронин Ю.А. Предупреждение преступлений в зарубежных странах // Вестник Челябинского государственного университета. – 2012. – № 27 (281). – С. 86.



миллий тизимга татбиқ этиш тадқиқот ишидан кўзланган бирламчи вазифа ҳисобланади.

Америка Кўшма Штатлари (АҚШ) жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси (айниқса, зўравонлик натижасида содир этилган) амалиётида ижобий натижаларга еришган давлатлардан бири ҳисобланади. Таҳлиллар ушбу давлатда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасини таъминлаш бўйича ўзига хос норматив база шаклланди. Масалан, 2002 йилда қабул қилинган «Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари профилактикаси ва судлови тўғрисида»ги¹⁰² қонун муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатда вояга етмаганлар, аёллар, қариялар ҳамда ҳимояга муҳтож шахслар ҳуқуқларини кафолатлашнинг ҳуқуқий механизмларининг кодификация қилинганлиги бу борадаги масалага давлатнинг аниқ позицияси мавжудлигини яққол кўрсатади. Хусусан, *Тазйиқ ва зўравонлик орқали содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги федерал кодекс*¹⁰³ вояга етмаганлар, аёллар ва қариялар томонидан ҳамда уларга нисбатан содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларни суд тартибида ҳал этиш механизмларини белгилаб беради.

АҚШда жиноятчиликка қарши курашишнинг “мутлақ муросасизлик” (“zero tolerance”) доктринаси татбиқ этилганлигини кўриш мумкин. Илгаридан жорий этилган уч бўғинли (федерал, штат ва маҳаллий даражадаги) ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида фаолият олиб борувчи полиция ходимларининг 60 % маҳаллий бўғин ҳисобига тўғри келади. Улар аҳоли билан бевосита ҳамкорликда иш олиб боради¹⁰⁴.

XX асрнинг 90 йилларида мамлакатдаги барча инновацион ресурслар жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, қуйидаги чора-тадбирларни ўз ичига олган:

1) ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишни таъминлаш мақсадида жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлашига еришиш учун полицияни маҳаллий аҳолига яқинлаштиришга қаратилган ижтимоий йўналтирилган ишларни кучайтириш;

2) ўта оғир турдаги жиноятлар учун жазо тизимини кескин кучайтириш;

3) оммавий ахборот воситаларида муросасизлик доктринаси бўйича “Ҳуқуқбузарлик тўхтатилиши керак, содир этилган жиноят жазоланади” тамойили юзасидан жамоатчилик фикрини шакллантириш. Кўрилган чоралар жиноятчиликнинг умумий кўрсаткичи анча камайишига сабаб бўлган¹⁰⁵.

¹⁰² Juvenile Justice and Delinquency Prevention Act of 2002 // [Электрон манба]: <https://www.ojjdp.gov/about/ojjdpact2002.html> (мурожаат вақти: 08.06.2019 й.).

¹⁰³ Federal juvenile delinquency code // [Электрон манба]: <https://www.justice.gov/jm/criminal-resource-manual-117-federal-juvenile-delinquency-code> (мурожаат вақти: 08.06.2019 й.).

¹⁰⁴ Квашиш В.Е. Основные тенденции преступности в США // Научный портал МВД России. – 2012. – № 1. – С. 54.

¹⁰⁵ Гордеев А.Ю. К вопросу о положительном опыте предупреждения преступлений в зарубежных странах // Matters of Russian and International Law. – 2017. – Vol. 7. – P. 117.



АҚШда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида йўлга қўйилган амалиёт ҳам диққатга сазовор бўлиб, мактаб дастурларидаёқ одил судлов тизими асосларини ўқитиш йўлга қўйилган. Масалан, Аризона штатида машғулотлар «ўқув суди» шаклида олиб борилади. Ўқувчилар орасида полиция, адвокат, гувоҳ, журналист, судья роллари ўзаро тақсимланади. Бунда айбланувчи ролини мактаб ўқувчиларига таниш бўлмаган полиция ходими ўйнайди. Ўйин полиция ходими ва мактаб ўқитувчиси томонидан бошқарилади¹⁰⁶.

Европа мамлакатлари орасида Германия тажрибаси жуда ўринли ҳисобланади. Германия давлат бошқаруви тизимида полиция асосий ўринлардан бирини эгаллаб, ўз ичига Федерал ИИБ ва Ўлкалар ИИБларини қамраб олади. Ўлкалар ИИБлари Федерал ИИБнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаради, Федерал ИИБ эса субъектлар ваколатига кирадиган вазифаларга аралашаолмайди. Мамлакатда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини асосан ўлкаларнинг полициялари амалга оширади. Мамлакатда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизими марказлашмаган бўлиб, ўлкалар ҳуқуқ-тартибот хизматлари махсус тартиб бўйича давлат органларидан фарқланади. Германияда маҳаллий ҳокимият органига раҳбарлик қилувчи шахс ҳудуддаги полиция ташкилотининг ҳам биринчи амалдори ҳисобланади. Бинобарин, айрим ўлкалар полициялари бутунлай ёки қисман давлатга қараса, баъзилари коммунал муассасалар ҳисобланади. Мамлакатда мазкур тизимда 160–165 минг нафар ходим хизмат қилади.

Германия полициясининг аҳоли турар жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан шуғулланувчи энг қуйи тузилмалари жойларда турлича: “Бош полиция вахталари”, “Полиция вахталари», “Полиция станциялари”, “Полиция постлари”, “Полиция инспекциялари” каби номланиши мумкин. Ушбу тузилмалар ҳам, биздаги ҳуқуқ тартибот масканларига ўхшаб кетади ва кечаю кундуз фаолият кўрсатади¹⁰⁷.

Европа мамлакатлари орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасида яна бир ўзига хос жиҳатга эга бўлган тизим Францияда шаклланди. Тарихан Европанинг бошқа давлатлари сингари марказлашмаган ва ҳокимиятнинг турли институтларига бўйсунган Франция полицияси бугунги кунда Ички ишлар вазирлиги тизимида бирлашган икки асосий марказий институт – Миллий полиция ва Жандармериядан иборат. Франция Ички ишлар вазирлиги ўз фаолиятини икки соҳада амалга оширади. Биринчиси бевосита полиция фаолияти бўлса, иккинчисининг фаолияти ички ишлар, ижтимоий ва маъмурий соҳалардаги кенг қўламли турли хил муаммоларни ҳал этишда акс

¹⁰⁶ Ахъядов Э.С. Отечественный и зарубежный опыт профилактики безнадзорности и правонарушений несовершеннолетних // «Молодой учёный». – 2016. – № 2 (106). – С. 659.

¹⁰⁷ Полиция Германии: История и современность. – М. 2000. – С. 80-81.



этади. АҚШнинг Флорида штати ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан ишлаб чиқилган ҳамда давлат ва хусусий секторда жорий етилган ҳуқуқий таълим дастури ҳам эътиборга лойиқ. 7–8-синф ўқувчиларига мўлжалланган ушбу дастур шахснинг жамиятдаги қадриятлар тизимида тутган ўрни, фуқаронинг мажбуриятлари ва жиноят ҳуқуқи асослари, ҳуқуқ-тартиботни бузувчиларни кутаётган жазога доир билимларни шакллантиришга қаратилган. Ўрганилган дастурларнинг барчаси ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлашга махсус йўналтирилганлигини кўриш мумкин¹⁰⁸.

Ўрганилаётган йўналишдаги ривожланган мамлакатлар (шу жумладан, АҚШ, Канада, Британия, Германия, Ҳиндистон, Австралия) тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлиги уларда татбиқ етилган махсус дастур ҳамда лойиҳаларга бевосита боғлиқдир. “Кўшнилари назорати (neighborhood watch)”, “Жиноятчиликни тўхтатамиз (crimes toppers)”, “Ташқи муҳитни ташкил этиш орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикаси дастури (Crimeprevention throughen vironment design (broken window) (Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташқи муҳитдан кузатув остига олиш (синиқ ойналар)”, “Safety City (Хавфсиз шаҳар)” каби дастурлар шулар жумласидан бўлиб, бугунги кунда амалиётда ижобий натижалар бериб келаётганлигини кузатиш мумкин¹⁰⁹.

Бу каби дастур ва лойиҳаларнинг амалиётга татбиқ етилиши ўз хусусиятига кўра барча мамлакатлар амалиётида ижобий натижа бериши шубҳасиз. Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан “Хавфсиз пойтахт”, “хавфсиз шаҳар”, “хавфсиз туризм” аппарат-дастурий комплекси ишга туширилди. Шу ўринда ҳуқуқшунос олим М.З. Зиёдуллаев таъкидлаганидек, ҳудуднинг жўғрофий жойлашуви, ижтимоий-иқтисодий ва демографик хусусиятлари, криминоген ва тезкор вазиятидан келиб чиққан ҳолда дифференциал ёндашувни таъминлайдиган намунавий моделларни ишлаб чиқиш ҳамда татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир¹¹⁰.

1975 йил БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Халқаро аёллар йили деб эълон қилиниши, 1976-1985 йиллар Аёллар ўн йиллиги деб эълон қилиниши бутун дунёда аёллар ҳуқуқларининг принципиал масала сифатида қўйилишига асос бўлган. 1985 йилда Аёллар аҳволи юзасидан Найроби (Кения)да ўтказилган халқаро Конференцияда “гендер тенглик” тушунчаси янгича мазмун бағишлаган.

¹⁰⁸ Дородонова Д.Н. Регулирование вопросов по организации профилактики правонарушений несовершеннолетних в зарубежном законодательстве: история и современность // Вестник Саратовской государственной юридической академии. – 2017. – № 5 (118). – С. 195.

¹⁰⁹ Головкина А., Потоцкий Н. Зарубежный опыт разработки программ профилактики правонарушений // [Электрон манба]: <https://pandia.ru/text/78/094/83215.php> (мурожаат вақти: 08.06.2019 й.).

¹¹⁰ Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – Б. 274–275.



1993 йилда Венада ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Халқаро конференция кун тартибига Аёлларнинг инсон сифатидаги ҳуқуқлари умуминсоний ҳақ-ҳуқуқларнинг ажралмас қисми эканлиги ҳақидаги масала қўйилган, 1993 йилда Аёлларга нисбатан зўравонликка қарши кураш тўғрисида Декларация қабул қилинган¹¹¹.

Халқаро миқёсида ва миллий қонунчилигимизда хотин қизлар ҳуқуқларига қанчалик эътибор қаратилган бўлишига қарамасдан, аёлларга нисбатан маиший зўравонлик, тажовузкорлик, руҳий зўравонлик, иш ҳақларидаги номутаносибликлар каби муаммолар ҳали ҳам учраб келмоқда.

Шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда, “Ҳимоя ордери” деган тушунчанинг кириб келиши, унинг амалиётга жорий этилганлиги хотин –қизлар ҳуқуқлари таъминланишини янги босқичга олиб чиқади, албатта.

Бунинг учун нафақат хотин-қизларимиз орасида балки кенг жамоатчилик орасида “ҳимоя ордери” ва унинг қўлланилиши ҳақида тушунтириш ишларини олиб боришимиз лозим. Зеро, қанча кўп кишиларни биз хабардор қила олсак бу тўғрисида қайсидир маънода жамиятимизда хотин қизларимиз янада ҳимояланганлигини намоён эта оламиз.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳар қандай шаклдаги тазйиқ ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилиниши алоҳида назоратга олинган. Тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизларга давлат ҳимоясини тақдим этиш тартиби, хотин-қизларга тазйиқ ўтказаетган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёки бир гуруҳ шахсларга нисбатан белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланишига сабаб бўладиган ҳужжат сифатида “Ҳимоя ордери”ни бериш тизими 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда белгилаб қўйилди.¹¹²

Қонунга кўра, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи аёл ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилгани ёки уларни содир этиш таҳдиди тўғрисида ариза билан тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотларга ёхуд судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, улар махсус марказларда, ишонч телефони орқали бепул ҳуқуқий маслаҳат олади. Ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа ёрдам олиш, ички ишлар органларига ҳимоя ордери бериш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилишга ҳақли.

Бундан ташқари Қонунда, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этганда давлат

¹¹¹ “Аёлларга нисбатан зўравонликка қарши кураш тўғрисида” ги Декларация 1993 йил

¹¹² Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни



божи тўлашдан озод қилиниши кўрсатиб ўтилди. Қонунда ваколатли органларнинг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишдаги ваколат йўналишлари аниқ белгилаб берилди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2020 йилнинг 4 январ куни қабул қилинган “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор билан Низом тасдиқланган бўлиб, ушбу Низом ички ишлар органлари томонидан тазйиқ ва (ёки) зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини, шунингдек тазйиқ ва зўравонлик содур этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларга ҳимоя ордерининг нусхасини бериш тартибини белгилайди.¹¹³ Низомга асосан, тазйиқ ва зўравонлик қурбонининг мурожаати;

жисмоний ёки юридик шахсларнинг хабарлари, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари ва (ёки) ижтимоий тармоқлар орқали тарқалган хабарлар;

тазйиқ ёки зўравонлик содир этиш ёхуд уларни содир этишга уриниш ҳолатларининг ваколатли органлар ва ташкилотлар ходимлари томонидан бевосита аниқланиши;

давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан олинган материаллар ҳимоя ордери қўллашга асос бўлади. Ҳимоя ордери-тазйиқ ва зўравонлик факти ёки уларни содир этиш хавфи аниқланган пайтдан эътиборан 24 соат ичида ва 30 кун муддатга профилактика инспекторлари томонидан берилади.

Ҳимоя ордери амал қилиши даврида хавф бартараф этилмаган бўлса, ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати жабрланувчининг аризасига кўра кўпи билан ўттиз кунгача узайтирилиши мумкин.

“Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғриси”ги қонуннинг 21-моддасида назарда тутилган “Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир яқка тартибда”ги чора-тадбирлар турлари жумласига қуйидагилар киради:

профилактика суҳбатини ўтказиш;

ҳимоя ордерини бериш;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказларга жойлаштириш;

зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтиш.

Ушбу қонуннинг 22-моддасида профилактика суҳбати кўрсатилган бўлиб мазмуни қуйидагича:

Муайян шахсни жамиятда умум қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтириш, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ижтимоий ҳамда ҳуқуқий оқибатларини тушунтириш, шунингдек қонунда белгиланган жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириш мақсадида профилактика суҳбати ўтказилади.

¹¹³ Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2020 йилнинг 4 январ куни қабул қилинган “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори



Тазйиқ ва зўравонлик ҳолларини аниқлаган ваколатли орган вакили томонидан профилактика суҳбати тазйиқ ўтказиш ва зўравонлик содир этишга мойил шахслар билан қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларни махсус марказларга жойлаштириш чора-тадбирлари ушбу қонуннинг 28-моддасида келтирилган бўлиб:

Зўравонлик факти мавжуд бўлган тақдирда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг ёки унинг қонуний вакилининг бошпана бериш тўғрисидаги талаби бўйича тегишли ваколатли органлар ва ташкилотлар тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларнинг махсус марказларга жойлаштирилишини таъминлайди.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчини махсус марказга жойлаштириш унинг хоҳишига кўра ўттиз кунгача бўлган муддатга амалга оширилади. Зарурат бўлган тақдирда бу муддат махсус марказнинг уставида белгиланган тартибда узайтирилади. Махсус марказга жойлаштириш муддати тугагач, агар тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига нисбатан хавф мавжуд бўлса, махсус марказ маъмурияти бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши шарт.

ХУЛОСА

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи махсус марказга жойлаштирилган тақдирда, унинг иш жойи сақлаб қолинади.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг махсус марказда бўлиш вақти уни таълим муассасасидан машғулотларни ўтказиб юборганлиги муносабати билан чиқариш учун асос бўлмайди.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар тазйиқ ўтказганликда ва зўравонлик содир этганликда айбдор деб топилган шахсдан ундирилиши мумкин.

Умуман олганда, қабул қилинган ушбу қонун ҳамда давлатимиз томонидан амалга оширилаётган бу каби тадбирлар жамиятда, турмушда, иш жойларида, таълим муассасаларида ҳамда бошқа жойларда хотин-қизларга бўлган ҳурматни ошириш, тазйиқ ва зўравонлик ҳолларининг олдини олишга, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдурасулова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари: Монография. – Т., 2005. – 231 б.
2. Алауханов Е., Зарипов З., Тукеев А. Преступность несовершеннолетних и её профилактика / Монография. Алматы, 2009. – С. 31.



3. Амиров З.А. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳуқуқий тарбия: назария ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти: Монография / Масъул муҳаррир: юридик фанлар доктори, доцент Х.Т. Маматов. – Т., 2016. – 262 б.
4. Антонян Ю.М. Преступность женщин // Социалистическая законность. – 1991. – №7. – С. 20.
5. Ахъядов Е.С. Отечественный и зарубежный опыт профилактики безнадзорности и правонарушений несовершеннолетних // «Молодой учёный». – 2016. – № 2 (106). – С. 658–661.
6. Бакаев А.А. Система профилактики правонарушений несовершеннолетних. – М., 2004. – С. 181–194.
7. Большова Н.Н. Молодежная политика в ЕС: Роль образования в противодействии проявления экстремизма (пример Германии) // [Электрон манба]: https://mgimo.ru/files2/z11_2014/Molodezhnaya-politika-v-EU-rol-obrazovaniya-v-protivodeystvii-proyavleniy-ekstremizma.pdf (мурожаат қати: 09.06.2019 й.).
8. Ветошкин С.А. Ювенальное право: Учеб. пособие. – Екатеринбург, 2008. – 169 с.